2017 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (13.412)

Баҳоси эркин нархда


# ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ОДАМЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – РАҲБАРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси, ижтимоий объектлар фаолияти билан танишди.**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби пойтахтимизда ҳам саноатни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича улкан мақсад ва вазифалар белгиланган. Президентимиз раҳнамолигида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 3 февраль ва 25 март кунлари Тошкент шаҳридаги саноат объектларига ташриф буюриб, улардан самарали фойдаланиш, корхона ва тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Бугунги кунда ушбу объектларда янги ишлаб чиқ[illegible]ш қувватлари ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ана шундай саноат ҳудудларидан бири – Чилонзор туманидаги "Реле ва автоматика" акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Заводнинг умумий ер майдони 3,91 гектар, ишлаб чиқариш майдони 2,26 гектар. Бу ерда юзга яқин турдаги металл ва пластмасса буюмлар, паст кучланишли қурилмалар тайёрланмоқда, шу йўналишда хизматлар кўрсатилмоқда. Ҳудудда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун яхши имконият, зарур инфратузилма мавжуд.

Акциядорлик жамияти ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 2017-2018 йилларда 10 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Уларга мувофиқ бу ерда тўқимачилик ва қадоқлаш маҳсулотлари, касса ва терминал учун қоғозлар, гидравлика мойлари, пластик труба ва фитинглар, мебель, акрил ва канцелярия товарлари ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Масалан, "Сирдарё-қурилиш-монтаж" масъулияти чекланган жамияти томонидан бу ерда йилига 23-24 миллион дона қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Полипропилендан тайёрланадиган, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик ва қурилиш саноатида қўлланиладиган бу маҳсулотларнинг 70 фоизи ички, 30 фоизи ташқи бозорга етказиб берилади. Корхонада 55 иш ўрни яратилади.

"Милк импэкс" масъулияти чекланган жамияти бу ерда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш ва қадоқлаш корхонаси ташкил этишни режалаштирмоқда. Корхонада йилига 500 тонна мева-сабзавот қайта ишланади, 30 иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудудда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги "Roison Home White Goods" Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳада янги босқични, янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Собиқ "Алгоритм" заводи ҳудудида фаолият юритаётган бизнес субъектлари бунга мисол. Ҳозир бу ерда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти маиший техникалар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари, мебель, қоғоз буюмлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Ушбу корхоналарда мингдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

"Roison Home White Goods" қўшма корхонасининг умумий ер майдони қарийб 23 гектар, бино ва иншоотлар майдони 9,7 гектар.

Шу ернинг ўзида Чилонзор туманида амалга ошириладиган 20 дан ортиқ иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. "1-Заргарлик корхонаси" лойиҳаси улардан бири. Қиймати 10 миллиард сўм бўлган ушбу корхонада йилига 13 миллиард сўмлик заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади, 100 иш ўрни яратилади.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 9 миллиард сўм. Бу ерда замонавий технология асосида йилига 1 минг 150 тоннадан сут ва кефир, 400 тонна йогурт, 100 тоннадан сметана ва пишлоқ, 80 тонна творог ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Юздан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Чилонзор туманидаги эски 2-пойабзал фабрикаси ҳудудида аёллар, эркаклар ва болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Қиймати 3 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа йилига 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

Бу ерда қандолат маҳсулотлари, қадоқлаш ва қурилиш материаллари, автомобиллар учун техник мой ишлаб чиқариш, "Совпластитал" акциядорлик жамияти ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этиш, юрак касалликларини даволаш маркази, медиамаркет ва савдо мажмуаси қуриш лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, корхоналарнинг хорижий ҳамкорлар топишига кўмаклашиш ва экспорт фаолиятини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Мутасадди раҳбарларга тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, инвестиция жалб қилиш ва кредитлар ажратиш, экспортни рағбатлантириш каби долзарб йўналишлар бўйича тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Катта Хирмонтепа" ва "Яккатут" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Катта Хирмонтепа маҳалласида асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Давлатимиз раҳбари маҳалла ҳудуди билан танишди. Кўп қаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Мактаб – таълим-тарбия маскани. Бу жойдаги ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деди Президентимиз. Таълим муассасалари олдида доимо гул экилган, саранжом-саришта бўлиши керак.

Шавкат Мирзиёев шу ерда яшовчи аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Яккатут маҳалласида иккита мактабгача таълим муассасаси, иккита мактаб, иккита коллеж фаолият юритмоқда.

Президентимиз мазкур маҳалла ҳаёти билан танишди, халқ билан мулоқот қилди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган намунавий маҳалла марказлари лойиҳалари ҳақида ахборот берилди.

Жорий йилнинг март ойида Президентимиз Юнусобод тумани Увайсий номидаги маҳаллада бўлиб, фуқаролар йиғини ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан танишар экан, пойтахтимиз, қолаверса, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мана шундай маҳалла марказларини бунёд этиш ҳақида кўрсатмалар берган эди.

Маҳаллалар ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга ҳам эга бўлмоғи лозим, деди Президентимиз.

Таклиф этилаётган янги маҳалла марказлари лойиҳасида маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар бўлиши кўзда тутилган. Бу халқимизга хос ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Профилактика инспектори ўзи ишлайдиган маҳалла ҳудудида яшаши лозим. Бу профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, кўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олишида муҳим аҳамиятга эга.

Профилактика инспекторларини хизмат уйлари, имтиёзли кредитлар ҳисобига машиналар билан таъминлаш, уларнинг яшаши ва самарали ишлаши учун барча шароитни яратиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Маҳалла марказларида чойхона, новвойхона, "Гўзаллик салони", дўконлар, спорт ва болалар майдончалари бўлиши одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Маҳалла халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир.

Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси ошиб, юртимиз фаровонлиги йилдан-йилга юксалаётгани исботидир. Зеро, кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон манфаатларини тўла таъминлашдир.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси билан танишди. Лойиҳага кўра 2017-2018 йилларда тумандаги барча ички йўллар тўлиқ таъмирланади. Йўлларнинг сифати ва замонавийлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Катта бино ва иншоотлар, бозорга яқин ҳудудларда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари етишмаслиги муайян ноқулайликлар туғдирмоқда. Президентимизга барпо этиладиган махсус автотураржойлар лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Унга кўра бинолар ёнида автомобиллар учун мўлжалланган уч ва тўрт қаватли автотураржойлар қурилиши режалаштирилган. Бу йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш, ҳайдовчилар ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари йўлларни яхшилаш билан бирга, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларини ҳам замонавий талаблар даражасида бунёд этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туман ҳокимлари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг шакл ва сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойилни амалда рўёбга чиқариш, аҳоли билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда аҳоли мазкур муассасаларга ўзларини қийнаётган масалалар билан мурожаат қилаётир. Жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар фуқаролар ва тадбиркорларга ўзлари дуч келаётган муаммолар юзасидан тегишли соҳаларга масъул бўлган раҳбарларга бевосита мурожаат қилиш, уларга қисқа вақтда ечим топиш, жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда муҳим омил бўлаётир.

Чилонзор туманидан Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига 16 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг атиги 1,5 мингтаси ижобий ҳал қилинган.

"3-Чарх Камолон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Султонов, ушбу маҳалла профилактика инспектори Бобомурод Абдуллаев, "1-Чарх Камолон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зубайда Тўйчиева, "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исматилла Собиров, Гавҳар маҳалласидаги "Соғлом келажак" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Руҳия Муҳамедова, 181-умумтаълим мактаби директори Моҳидил Бегматова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим халқимизни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг адолат ва давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилаётганини, Халқ қабулхоналари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим воситага айланиб бораётганини таъкидлади.

Учрашувда аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорларни қийнаётган тўсиқларни олиб ташлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мазкур соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш, истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Сирдарёда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида "Оммавий китобхонлик ҳафталиги" ўтказилди.**

**• Андижон давлат университетида хорижий тилларни ўқитиш ва замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган анжуманда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, хорижий тиллар мутахассислари, ёш олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**• Сурхондарё вилояти Ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.**

**• Халқ депутатлари Нурота тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва таълим самарадорлигини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.**

**• Тошкент вилояти Бекобод тумани "Хонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Жорий йилда автомобилсозлик тарихида илк марта самода учадиган автомобиль синовдан ўтказилади. Гап шундаки, яқинда "Airbus" корпорацияси томонидан яратилаётган ушбу автомобиль прототипи кенг оммага намойиш этилди. Ушбу учар автомобиль ҳозирда фойдаланилаётган машиналардан бутунлай фарқ қилиб, кўпроқ кичик ҳаво лайнерига ўхшайди. Унинг олд томонига тўртта паррак ўрнатилади. Шиналар ўрнида тиргак ва эшикларнинг кўриниши ҳам бошқача. Қизиқувчилар ҳозирданоқ учувчи-автомобилнинг эгасига айланиш учун сармоя тикмоқдалар.**

**• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Нигерияда менингит касаллиги кенг тарқалиб бораётир. Айни пайтда Нигерияда 3 минг 959 киши менингитга чалинган бўлиб, ушбу касаллик оқибатида вафот этганларнинг сони 438 нафарга етган. ЖССТ африкаликларни зудлик билан эмланишга даъват этяпти.**

**• Халқаро футбол федерацияси 2018 йили Россияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини ташкил этиш ва ўтказишга 1,948 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда ташкилотнинг 2016 йил якунларига доир молиявий ҳисоботида маълум қилинган. Харажатлар борасида энг кўпи — 627 миллион доллари жойларда мусобақаларни ташкил этишга сарфланган. Бу 2016 йилда умумий сарфланган маблағларнинг 32 фоизини ташкил этади. Мусобақа қатнашчиларига берилган мукофот пуллари 400 миллион доллардан иборат бўлиб, жами харажатларнинг 21 фоизидир.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга оид янги вазифалар белгиланган.*

Янги қонун кучга кирди

# СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Шу асосда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, чинакам мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бунинг яққол тасдиғидир.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонунлар 2017 йил 7 апрелда матбуотда эълон қилинди.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун билан Асосий қонунимизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритилди. Булардан айримлари Судьялар олий кенгаши билан боғлиқ бўлиб, ушбу тузилманинг фаолиятига оид масалалар "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонунда тўлиқ ўз ифодасини топган.

Янги кенгаш конституциявий мақомга эга бўлди. Конституциямизнинг 111-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

Бундай мақом кенгашга юклатилган вазифаларни мустақил ва самарали амалга оширишнинг муҳим конституциявий кафолати ҳисобланади. Халқаро стандартларда бундай амалиёт доим юксак эътироф этилган. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган демократик давлатлар конституциялари бундай вазифани амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни ўзида ифодалаган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, мазкур органни ташкил этиш ва унинг фаолияти аввалгидек давлат бошлиғи фармойиши билан тасдиқланган низом асосида эмас, балки қонун билан белгиланишидир. Судьялар олий кенгаши раиси аввалгидек Сенат аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан тайинланмай, балки бошқа бир қатор мустақил конституциявий органлар раҳбарлари каби Президентимизнинг тақдимига биноан Сенат томонидан тайинланиши юқори палатанинг мутлақ ваколатларига киритилди.

Бундан ташқари, Судьялар олий кенгаши раиси Қонунчилик палатаси ва Сенат мажлисларида, шунингдек, уларнинг органлари мажлисларида иштирок этиши конституциявий жиҳатдан мумкин бўлган шахслар қаторига киритилди. Бу мазкур лавозим юксак обрў ва нуфузга эгалигидан далолат бўлиб, унинг мустақиллигини, дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Эндиликда ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда кенгашнинг ўзи лавозимга тайинлайди. Қонунда назарда тутилган ҳолларда уларни Президент билан келишилган ҳолда лавозимидан озод қилади. Бу жиҳатлар кенгашнинг нуфузини кўтарди ва мустаҳкамлади.

Авваллари бу лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг мутлақ ваколатлари сирасига кирар эди. Шу маънода Судьялар олий кенгашига нафақат ваколат, балки жуда катта масъулият ҳам юкланди.

Қонунда кенгашни шакллантириш тартиби тўлиқ кўрсатилган. Унга кўра, кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда бўлади. Бу таркиб судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси кенгаш раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгашнинг ушбу аъзоларидан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан тасдиқланади. Кенгашнинг раиси, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан, кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Юқоридаги нормалар Европа Кенгашининг Венеция комиссияси томонидан илгари сурилган судьяларни танлаш бўйича орган таркибининг камида ярми судьяларнинг ўзидан бўлиши кераклигига оид қоидага мос.

Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлов асосида танлаб олади. Судьяларни тайинлаш, касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этади. Кенгашнинг асосий вазифаларида судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни амалга ошириш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш кабилар белгиланган.

Кенгаш фаолиятида тадқиқот фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказига айлантирилгани бунинг амалий ифодасидир.

Мазкур марказ кенгашнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифасини амалга оширишда ўзининг тадқиқотлари билан кўмаклашади.

Кенгаш судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Президентимизга тақдимномалар киритади. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юбориш, судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади. Кенгаш судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини, судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади.

Юқоридагилардан ташқари кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Масалаларни кўриб чиқишда коллегиалликни, демократизмни кучайтириш мақсадида кенгаш мажлиси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади, деб белгиланган (аввалги комиссияда мажлис унинг аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли деб ҳисобланар эди), кенгаш аъзосини рад этиш ва унинг ўзини ўзи рад этишига оид қоидалар киритилди, судьялар корпусини шакллантириш чоғида судьялик лавозимларига номзодлар ҳуқуқларининг тенглиги эътироф этилди, аввалгидан фарқли равишда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлганлар ҳам захирага киритилиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

Қонунда судьялик лавозимига номзодларнинг захирадан чиқарилишига оид асослар ҳам ўрин олган. Жумладан, номзод захирадан чиқариш тўғрисида ўзи ариза берганда, судьялик лавозимларига номзодлар тайёрланадиган махсус курсларга қабул қилиш танловидан ўтмаганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, унда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилганда, вафот этганда ёки суд қарори билан вафот этган, деб эълон қилинганда, жиноят содир этганда, унинг судьялик лавозимига номуносиблиги ҳақида хулоса чиқарилганда каби асослар киритилди. Бундан ташқари, судьялик лавозимига номзод, агар у уч йилдан ортиқ муддат давомида судьялик лавозимига кўрсатилмаган бўлса ҳам захирадан чиқарилиши қайд этилди.

Мазкур ҳужжатда биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари алоҳида, судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонлари алоҳида қайд этилган. Судьялик лавозимига номзоднинг тиббий текширувдан ўтказилиши қонунан белгиланди. Бунда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати кенгашнинг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади. Судьялар малакасини ошириш тадбирларига нисбатан талаблар ўрнатилиб, унга кўра малака ошириш судьялар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш натижаларига кўра, одил судловни амалга оширишда аниқланган тизимли камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Мазкур ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**юридик фанлари доктори**



*Бугунги кунда техника тараққиётида янгидан-янги замонавий технологияларнинг кириб келаётганлиги сабабли ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасини электр энергиясисиз тасаввур этиш қийин ва ҳар бир жараёнда электр энергияси жуда муҳим ўрин тутади.*

# ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИНГ!

Электр энергиясидан фойдаланиш учун электр энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши, бу электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламаслик ва ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Электр энергияси учун корхона, ташкилот ёки хонадонда ўрнатилган электр ҳисоблагичлар орқали истеъмол қилинган электр энергияси сарфи миқдори билан белгиланган кўрсатгич бўйича тўланади.

Электр энергияси тўловларини амалга оширишда пластик карточкалар жорий этилганидан буён тўловлар терминаллар орқали амалга оширилмоқда. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ.

Агар электр энергияси тўловларини ўз вақтида амалга оширилмаса, электр таъминоти электр энергияси муассасаси ходимлари томонидан тармоқдан узиб қўйилади. Тўловларни узлуксиз амалга оширилмаган корхона, ташкилот ёки хонадон бўйича ҳужжатлар хўжалик судига топширилиб, электр энергияси тўловларини ундириш чора-тадбирлари кўрилади.

Истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, яъни электр энергияси ҳисоблагичларидан ташқари уланиш ёки электр энергияси ҳисоблагичларини атайлаб тўхтатиб қўйиш, электр тармоқларига пайвандланиш ва бошқа электр ускуналарини ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри улаб олиш каби қонунбузарликлар содир этилиши аниқланса, улар ҳақида материаллар тайёрланиб, белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади ва шахсларга тегишли чоралар кўрилади.

Электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннинг 32-моддасида кўрсатилганидек, электр энергетикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бу жавобгарлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан корхона, ташкилот ёки хонадонларда қонун талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.

Ҳозирги пайтда ҳар бир фуқаронинг ўз вақтида тўловларни амалга ошириши электр энергияси тармоқларида янгилаш, реконструкция қилиш ва янги қурилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш демакдир.

**Шуҳрат АБДИРАХМАНОВ,**
**"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭЪТИБОР

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуши даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.*

Унда 2017 йил Президентимиз ташаббуси билан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари халқ ичига кириб борган ҳолда оилаларнинг ижтимоий аҳволини чуқур ўрганиш, муаммоларини аниқлаш ва тегишли ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳал этиш ишларини амалга ошираётгани, бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар халқимиз турмуши даражасини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий шериклик жамиятнинг ривожланиши, самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Бугун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг турли шаклларининг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

– Бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлашда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамиятга эгадир, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуд Исаев. – Жамоа шартномаси меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик маҳсули бўлиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Мазкур локал ҳужжат иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланиб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига биноан мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта – умумреспублика, тармоқ, ҳудудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув умумреспублика миқёсида ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Бош келишув асосида республикада 95 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, бевосита корхона, ташкилотларда эса 158 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Анжуманда мутахассислар томонидан бугунги кунда Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари ҳал этилаётганлиги қайд этилди. Жамоа шартномалари ва келишувларига ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишга, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларни ўрнатиш тартибига оид аниқ ва батафсил меъёрлар киритилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Ягона тариф сеткасига нисбатан оширилган тариф коэффициентларини ўз ичига олган тармоқ ва локал тариф сеткаларини жорий этиш йўли билан меҳнат ҳақи миқдорларини жамоа-шартномавий тарзда ўрнатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида турли соҳаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларидан қарийб 940 минг нафарининг иш ҳақи оширилган тариф коэффициентлари бўйича ҳисоблаб тўланмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги даражасини ошириш, иш ўринларида санитар-гигиеник вазиятни янада яхшилаш, ходимларни якка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари, санитар-маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўргатиш, тегишли тартибда ходимларга имтиёз ва компенсациялар бериш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштириш масалалари жамоа келишувлари ва шартномаларининг муҳим бўлими ҳисобланади. Хусусан, ўтган 2016 йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 4 минг 865 та ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Ижтимоий ҳимояталаб оилалар вакилларидан 81 минг 423 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди, ушбу мақсадлар учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳисобидан 46 млрд. 147,3 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Матбуот анжуманида жорий йилда тузилаётган жамоа шартномалари ва келишувлари бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар билан бойитилаётганига тўхталиб ўтилди. Жумладан, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши юзасидан қўшимча чоралар кўриш, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш кўламини кенгайтириш, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ходимларни тиббий кўрикдан бепул ўтказиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли тадбирларни ўтказиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш каби тадбирлардир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувлари иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини ошириш, ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, бандликни таъминлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида меҳнат муносабатлари барча субъектларининг ўзаро манфаатдорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди вакиллари томонидан аниқ ва тўлиқ жавоб олдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

Қарор ва ижро

# "ЯГОНА ДАРЧА" — ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди.*

Бу "Ягона дарча" марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини беради.

Мамлакатимиз ишбилармонларининг оғирини енгил қилаётган мазкур марказлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган "Ягона дарча" марказида бўлдик.

– Мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди Олмазор туманида истиқомат қилувчи якка тадбиркор Мавлуда Шоматова. – Кўпдан буён аёлларимиз учун миллий либослар, бежирим буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тикув цехини очишни режалаштириб юрган эдим. Мана, кўриб турганингиздек қисқа фурсат ичида барча масалалар ижобий ҳал бўлди. Энг муҳими, мен энди қонуний тадбиркорман. Яратиб берилаётган қулайликлардан миннатдормиз.

Президентимиз қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни янада кенгайтириш масалалари кўзда тутилган. Шу билан бирга, давлат хизматларидан фойдаланишда турли тўсиқларни бартараф этиш, очиқликни таъминлаш соҳада долзарб аҳамият касб этади.

Пойтахтимизнинг ўн битта туманидаги "Ягона дарча" марказлари орқали аҳолига 16 турдаги хизматлар кўрсатилаётир. Тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиши, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, ташқи рекламани жойлаштириш, турар жойни нотураржойга айлантириш каби масалалар ушбу масканларда ҳал этилмоқда. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Камол Холиқовнинг маълумотига кўра, жорий йилнинг январь-февраль ойларида пойтахтимизда бу каби хизматлардан фойдаланаётган юридик шахслар қарийб 2 мингга етди.

– Мамлакатимизда "Ягона дарча" марказларини бошқаришнинг самарали тизими яратилди, – дейди Олмазор тумани "Ягона дарча" маркази бош мутахассиси Жасур Саидхўжаев. – Адлия идоралари марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиб, тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Бу марказ фаолиятини бошқариш ва давлат органлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Марказларни қайта ташкил этиш бўйича ҳар бир туманда ишчи гуруҳи, уларга услубий ёрдам бериш ва фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида идоралараро шаҳар ишчи гуруҳи шакллантирилгани айни муддао бўлди.

Марказларга келган тадбиркорларга ахборот бўлимининг ўзидаёқ давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул маълумот берилмоқда. Ҳар бир марказ юксак салоҳиятли, ҳуқуқшунослик, иқтисод, солиқ ва молия соҳаларида етарли малакага эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган кадрлар билан таъминлангани иш самарадорлигини оширмоқда.

– Туманимиздаги "Ягона дарча" марказига бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқимни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, мурожаат қилдим, – дейди Олмазор тумани Ислом ота маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи якка тадбиркор Шукур Розиқов. – У белгиланган тартибда қабул қилиниб, расмийлаштирилди ва тегишли давлат хизмати кўрсатувчи идорага юборилди. Натижаси бўйича, албатта, ўз вақтида маълумот тақдим этилиши билдирилди. Бу мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий тасдиғидир.

Давлат хизматлари кўрсатиш "Ягона дарча" марказларини ташкил этишдан асосий мақсад тадбиркорларнинг иш бошлашидан тортиб фаолияти давомида зарур бўладиган хизматларни уларга бир жойда кўрсатиш, янада қулайлик яратишдан иборатдир. Амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариб, иқтисодиётимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Бугуннинг гапи

***Мамлакатимизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари, унинг бахту саодати учун амалга оширилмоқда. Инсон қачон бахтли бўлади? Аввало, тани соғ бўлса. Шунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, уни аҳоли саломатлигига эришишнинг асосий омилига айлантириш мамлакатимиз олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб турибди.***

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсади мужассам. Чунки *"инсон манфаатлари"* деганда биринчи галда фуқаролар саломатлиги, уларнинг замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келаётган мурожаатларда ватандошларимиз айнан соғлиқни сақлаш соҳаси билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам ёзишаётгани сир эмас.

Шу маънода кейинги ойларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни кўз олдимиздан ўтказишни жоиз, деб биламиз.

2016 йилнинг 16 сентябрь куни Президентимизнинг "2016 – 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 31 октябрида қабул қилинган "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик масалаларига қаратилган.

Ана шу Қарорга кўра, 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш ҳамда уларни етказиб бериш, ушбу жараёнда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати шакллантирилиб, уларни белгиланган нархларда сотиш жорий этилди.

Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси ташкил этилди. Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланди.

Шу қонуности ҳужжати асосида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархи анча арзонлашди.

Жорий йилнинг 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ҳамда устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ана шу мажлисда давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалалар таҳлилига ҳам алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: *"Маълумки, биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз"*. Мажлисда қишлоқ врачлик пунктларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражасининг жуда пастлиги ҳам айтилди. Ушбу белгиланган вазифалар сирасида қуйидаги топшириқ ҳам бор: *"340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини назорат қилувчи органлар билан бирга қатъий тартибга солиш зарур. Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак. Шу билан бирга, ўтган йили сентябрь ойида тасдиқланган 2016 – 2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича дастур самарали бажарилишини таъминлаш даркор"*.

Шу йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 январда Соғлиқни сақлаш тизимининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан ўтказилган учрашувда белгиланган вазифалар ижроси, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда соҳадаги муаммолар чуқур таҳлил этилиб, жойларда вазиятни ўзгартириш ишлари талаб даражасида эмаслиги қаттиқ танқид қилинди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Соғлиқни сақлаш тизимида муаммолар йиғилиб қолган эди. Касалхоналарга дори-дармон ажратиш масаласи тизимли тарзда ташкил этилмади. Айрим касалхоналар муайян дорихона билангина ишлашга ўтиб, ўртада нархни ўзлари келишиб оладиган ҳам бўлишди. Касалхона билан дорихона ўртасида яширин ҳамкорлик ҳоллари ҳам содир бўлаверди. Дорихоналарда нарх-навони тартибга солишнинг имкони топилмади. Бир хил дорини ёнма-ён дорихоналарда ҳар хил нархда сотиш одат тусига кирди. Ўртадаги фарқ эса жуда катта бўлиб қолди. Сабаби суриштирилса: *"Фирмаси бошқа"*, – деган анъанавий жавоб оладиган бўлдик.

Яна бир муаммо юзага келди. Харидор дори-дармон сотиб олади, лекин унга чек берилмайди. Бу эса дорихонанинг ўз даромадларини солиқдан яшириш имконини беради. Айрим дорихоналарда терминал ишламаётгани баҳона қилинаётгани ҳам сир эмас.

Энди бундай хато ва камчиликларга чек қўйилади.

Ҳозир пойтахтимизда нима кўп – дорихона кўп. Шундай ҳудудлар борки, қаторасига дорихоналар жойлашиб олган. Майли-да, халққа хизмат қилаётган бўлса, кўпаяверсин.

Мамлакатимиз раҳбарияти фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самарали таъсир кўрсатувчи ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Исмат Азизовнинг таъкидлашича, юртимизда ҳозирда 132 фармацевтика корхонаси томонидан 2 мингдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Айни дамда республика ҳудудида 8 минг 472 та хусусий дорихона ва уларнинг филиаллари, шунингдек, "DORI-DARMON" акциядорлик компанияси тизимига кирувчи 1 минг 437 дорихона фаолият кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда шаҳримизнинг ўзида мингга яқин дорихона ишлаб турибди.

Энг муҳими, мамлакатимизда қалбаки дорилар деярли учрамайди.

Хўш, дори-дармон таъминоти билан боғлиқ ислоҳотлар шаҳримиз дорихона ва шифохоналарида қай даражада амалга ошириляпти, деган ўринли саволнинг туғилиши табиий.

Ижодий гуруҳимиз шу саволга жавоб излаб, жойларда бўлди.

"DORI-DARMON" акциядорлик жамияти ҳақида кўпчилик эшитган. Бугунги кунда пойтахтимизда 57 та дорихона унинг таркибида фаолият олиб бормоқда.

Учтепа туманининг Г-9А мавзесидаги 4-уйда жойлашган дорихона мудири, провизор Мурод Шокировнинг маълум қилишича, Қарор чиққанидан сўнг дори-дармонларнинг нархлари кўрсатилган рўйхат осиб қўйилди. Нархлар нисбатан арзонлашди. Аввалambор, ўзимизда ишлаб чиқарилган дориларни сотишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Чилонзор туманидаги "Бешёғоч" деҳқон бозорининг Чилонзор филиали қаршисида жойлашган "999" дорихонасига харидорлар кириб-чиқиб турибди. Бу ерда юздан ортиқ дори турларини кўриш мумкин. Дорихона мудири Музайяна Абдуллаеванинг айтишича, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дориларга талаб ортмоқда. Бу – яхши. Аммо айрим дориларни умуман топиб бўлмайди. Бу ерда азитромицин дориси 7 минг 800 сўмдан сотиляпти. Аллапинин – 22 минг 500 сўм. Дориларнинг нархи тушгани аҳоли учун – янада яхши.

Шу жойга яқин "OXY MED" хусусий дорихонасига кирдик. Бу ерда азитромицинга 8 минг сўмдан, аллапининга эса – 24 минг 350 сўмдан нарх белгиланган. *"Ҳозир қолмади"*, – дейди дорихона сотувчиси. "OXY MED" дорихонаси юзга яқин филиалларга эга экан. Бу ерда омепразол – 6 минг 200, индапамид – 15 минг 400, атенолол – 2 минг 50 сўмдан сотиляпти. Шу ўринда дорихоналарда бир хил нархни учратиш мушкуллигига эътибор қаратдик.

Фарҳод кўчасидаги 34-уйда жойлашган "FURQAT MED FHARM" дорихонаси шундоққина йўл четида жойлашган. Сотувчи Азиза Холхўжаева яқинда ишга кирган экан. Бу ерда ҳам бўлиши мажбурий 32 турдаги дорилар нархини суриштирамиз. Азитромицин – 10 минг 500, аллапинин – 25 минг, эналаприл 2 минг сўмдан сотиляпти.

"MEHRINISOBEGIM" хусусий дорихонасида ҳам азитромициннинг нархи – 20 минг 600 бўлиб, бошқа дорихоналарга нисбатан анча баланд қийматда сотилаяпти. Аллапинин – 26 минг, диклофенак 11 минг сўм белгиланган. Индапамид дориси йўқ.

Шота Руставели кўчаси бўйлаб юрамиз. "YAKKASAROY DORI" деб ёзиб қўйилган хусусий дорихонада "Истеъмолчи бурчаги" ташкил қилинган. Касса аппарати, терминал ишлаб турибди. Бу дорихонада азитромицин 9 минг 600, аллапинин – 24 минг, тетрациклин 1 минг 500, панкреатин 9 минг сўмга сотилмоқда. Кўп дорихоналардаги каби, бу ерда ҳам индапамид дорисини учратмадик.

# АРЗОН, СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОН – ДИЛДА ҚОЛДИРМАС АРМОН

## ёхуд дорихоналар ва шифохоналар фаолиятидан кўнглингиз тўляптими?






Дори воситаларини сотишда, нархларнинг асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳам ўтган уч ой давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда бошқарманинг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўлими бошлиғи Қудрат Мўминов шундай дейди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг уч ойи давомида фуқаролар томонидан 60 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларда қайд этилган ҳолатлар юзасидан ваколат доирасида қонуний чоралар кўрилди.

Шу билан бирга ўтказилган ўрганишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга риоя этилмаганлиги ҳолатлари аниқланиб, маъмурий жарималар қўлланилган.

Мисол учун, "Hamdart-Amir" МЧЖ раҳбари Мирнаби Миралимов томонидан Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 11-моддаси талаблари бузилгани ҳолда яроқлилик муддати ўтиб кетган "Флудол сироп 100 мг/ 5 мл 100 мл 013140115" номли дори воситаси истеъмолчиларга сотилганлиги аниқланган. Шунингдек, "Vafezen Farm" хусусий корхонаси бош бухгалтери Қаҳрамон Джураев томонидан яроқлилик муддати ўтган ва муддати ручкада ўзгартирилган "Кальций хлор 10 фоизли" эритмаси "DORI-DARMON" МЧЖ га қарашли 109-сонли дорихонадан нақд пулга 2500 сўмдан сотиб олинган ва ўзларига кирим қилмасдан 3 000 сўм нархда сотувга қўйилган. Ушбу ҳолат юзасидан Қаҳрамон Джураевга нисбатан МЖтК нинг 178-моддаси 8-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Бу мисоллардан ҳам кўриш мумкинки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан дори савдосида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Сергели тумани марказий тиббиёт бирлашмасида ҳам шифокорлар кўриги учун навбатда турган талайгина беморлар кўзга ташланади. Қабулхонага кирамиз. Бош шифокор Бобур Турсунов йўқ экан. Спутник 4 мавзесида яшовчи Севара Исроилова икки кундан бери 505-хонага, яъни невропатолог қабулига киролмаётгани бўйича қабулхонага шикоят билан кириб келди. Иш соати 13:30 гача деб ёзиб қўйилганига қарамай невропатолог шифокор ҳали соат бир бўлмасиданоқ уни қабул қилмаган.

– Ўзи окулистга кирувдим, невропатологга жўнатди, кеча келсам қайтарди, бугун кирсам яна қабул қилмади. Кетишим керак, дейди.

Қабулхонадан чиқиб, коридорда ўтирган онахонни суҳбатга тортамиз.

– Мўътабархон Холиқоваман. Сергели-2 мавзесида яшайман. Ёшим 54 да. 6 йилдан бери буйрак хасталиги бўйича даволаниб келаман. Ногиронлик нафақасига чиқиш учун ҳужжатларни тўғрилаб, маслаҳатга келдим. 4 йилдан бери ҳар 6 ойда шифохонада ётаман. 601-хонага кирдим. Ҳужжатларингизда камчиликлар бор, дейишди. Юнусободдаги Нефрология марказида 11 кун ётдим. Шприц, система, спирт, ўзларидаги антибиотиклар орқали муолажа қилишди. Энг керакли дориларни ёзиб беришади, ўзимиз ҳам олиб келамиз. Масалан, фурасемид дорисини келтирдим. Ҳар ҳолда илгаригига қараганда камроқ дори олиб келяпмиз.

Марказий тиббиёт бирлашмаси рўпарасида жойлашган 1-сон шаҳар туғруқ мажмуига марказий тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўринбосари Дилсўза Тўхтаева ҳамроҳлигида кириб борамиз. Мажмуа 1986 йилда қурилган бўлиб, мукаммал таъмирга муҳтож.

Яқинларини йўқлаб келганлардан ўзларини таништиришларини сўрадик.

– Ғайрат Турмуҳамедовман, аёлим Азиза Худойбердиевани олиб келдим. Яхши қарашаяпти. Дориларнинг асосийси шу ерда бор, майда-чуйдаларини ўзимиз олиб келаяпмиз.

Хоналарда дорилар рўйхати осиб қўйилган экан. Туғруқ мажмуи дорихонаси мудири Виктория Угайнинг айтишича, ўтган йили бир ойда дори-дармонга 17 млн. сўм молиялаштирилган бўлса, бу йилга келиб 42 млн. сўм ажратилган. Апрель ойи учун дорига 40 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонаси 60 ўринга мўлжалланган. Ҳозир 57 бемор даволанаяпти. Юз фоиз дорилар давлат томонидан таъминланади. Унга қўшни тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокор ўринбосари Гулсара Муллажонованинг айтишича, шифохона 84 ўринли бўлиб, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатади. Стационар, амбулатор ёрдам йўлга қўйилган. Дорилар юз фоиз бюджетдан таъминланади. Ҳар ойда 20 млн. сўм маблағ дори олишга йўналтирилади.

Авиасозлар деҳқон бозори рўпарасида ҳам бир нечта дорихоналар жойлашган. Шулардан бири "Таблетка плюс" дорихонаси. Бу ерда рўйхатга олинган дорилар номи мавжуд. 32 турдаги мажбурий дорилар бор. Харидорлар бирин-кетин кириб турибди.

"Ниҳол фарм" дорихонасида ҳам пештахталар устига дорилар териб қўйилган. Сотувчи чек беришга келганда шошиб қолаяпти. Айрим харидорларга чек бермаяпти ҳам. Масалан, Баходир Жахонов аптизин дорисини сотиб олди. Аммо унга чек уриб берилмади. Афсуски харидор талаб қилмаяпти.

– Дорихонадан шифобахш сувни ҳар доим 3000 сўмга олардим, бугун негадир 3 500 сўм, – дейди Ирина Реденко деб таништирган харидор. Дорихонада икки хил камчилик учрайди. Биринчидан баъзан харидорларга чек берилмаяпти, иккинчидан маҳсулот нархи харидорга қиммат айтилаяпти.

"Фахр Фарм" дорихонасида маҳаллий дориларни бемалол топиш мумкин. Дорилар фирмалардан олиб келинади. Бироқ негадир касса аппарати ўчиқ, ишлатилмаяпти. Сабабини сўраганимизда сотувчи "Қувватлантириш учун қўйилган эди", дейди баҳона қилиб.

Унга қўшни дорихоналарда ҳам савдо авжида. Авиасозлар кўчаси, 65-уйда жойлашган "Комилжон Беҳруз фарм" дорихонасида турли номдаги дорилар расталарга териб қўйилган. "ZINT" номли дори бу ерда 190 минг сўмдан сотилаётган экан. Харидор Ўктам Саидов яқин-атрофдаги дорихонадан худди шу дорини 130 минг сўмга сотиб олган экан.

– Инсофларинг борми, – дейди бу ҳолатдан жаҳли чиққан қибрайлик харидор. – Нариги аптекада худди шу дори 130 минг сўмдан турибди. Сизларда 190 минг сўм. 60 минг сўм фарқи бор. Сабаби нимада?

Сотувчи қиз жавоб беролмай қийналади. "Биз фирмадан пул ўтказиш йўли билан олиб келганмиз. Хўжайинлар билади", дейди. Бу ҳолни қандай тушуниш мумкин?

Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчасида жойлашган "Мирвоҳид" МЧЖда янги нархлар осиб қўйилган. Дорихона мудири Тоир Мирпўлатовнинг айтишича, масалан электроцин 4679 сўмдан сотилаяпти, илгари нархи 12-13 минг сўм бўлган. Сюфорт 500 илгари 40 минг сўмдан сотилган бўлса, ҳозир 15 минг 270 сўм. Сюфорт 1000 нинг нархи 16 минг 960 сўм. Аввал 60 минг сўм атрофида сотилган. Ҳозир устама нархни 20 фоизгача қўйяпмиз. Беморларга бепул маслаҳат бераман. Ҳозир пенсиядаман, олий тоифали жарроҳман. Эски мижозлар маслаҳатга келиб туришади. Мақсадим одамларга ёрдамим тегсин, дейман. Фарзандларимнинг ҳаммаси шифокор, дейди Тоир ака.

Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 10-уйда жойлашган "DORI-DARMON" АЖга қарашли "DORI TA'MINOT" хусусий дорихонаси ҳам дид билан безатилган. Маҳаллий ишлаб чиқарилган дорилар билан тўлдирилган. Аммо дорихонада сотилиши мажбурий бўлган азитромицин ҳамда аллапинин дорилари йўқ экан.

Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш кўчасида ҳам бир қатор дорихоналар жойлашган. Уларни бирма-бир кўздан кечирдик.

"VITALOYFHARM" хусусий дорихонасида бўлиши мажбурий дориларнинг айримлари йўқ. Дорихона пештахталари ўзимизда ишлаб чиқарилган дорилар билан тўлиб бораётгани эътиборга лойиқ.

"Зиёдулла бизнес" дорихонасида дорилар пештахталарда тартиб билан териб қўйилгани, сотувчи Салоҳиддин Ғуломовнинг хушмуомалалик билан савдо қилаётгани яхши, аммо касса аппарати ёқилмаган. Харидорларга чек берилмаяпти. Бунга сотувчилар электр токида узилишлар борлигини рўкач қилишди.

Шу кўчадаги "ZIYODA MED LUYKS" хусусий дорихонасининг очилганига унча кўп бўлгани йўқ. Сотувчи оқ халат киймаган ҳолда савдо билан шуғулланяпти. Дорихонада ассортимент кам. Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий 32 турдаги дорилардан азитромицин, аллапинин, индапамид йўқ.

Тошкент Тиббиёт академиясига яқин Форобий кўчасида қатор дорихоналар жойлашганлигини шаҳримиз аҳли яхши билади. Бу ерда дориларни танлаб олиш учун катта имконият мавжуд. Бирида бўлмаса, иккинчисида хоҳлаган дорингизни топишингиз мумкин.

Бу ердаги дорихоналарни бирма-бир айланамиз. Ҳаммасида дорилар рўйхати осиб қўйилган, "Истеъмолчи бурчаги" ташкил қилинган, давлат солиқ бошқармаси билдирув хатлари осиб қўйилган.

Аммо "SPRING HEAL FHARM", "MILTI FHARM BIZNES", "VERONAFHARM", "SAXOVAT MADAD SERVIS", "FORTUNA", "DOKTOR MADAD FHARM", "MAX RAYS FHARM", "ATM PARTNERS", "PANASEX FHARM", "STARFHARM", "TABLETKA PLYUS" дорихоналарида рўйхатдаги дориларнинг бирортаси йўқ.

"FLORA MED" кўптармоқли дорихонаси 180 квадрат метр майдонни эгаллаган, унда бир неча бўлим алоҳида қилиб мослаштирилган. Бу ерда ўзлари томонидан ишлаб чиқариладиган дорилар ҳам пештахталарга қўйилган. Оптика, тиббиёт техника буюмлари бўлимлари ҳам бор. Дорилар нисбатан арзон нархларда сотиляпти. "MUYASSAR MED", "GLIHP FHARM", "ZILOLA FHARM" дорихоналаридаги хизмат кўрсатиш маданияти ҳам – талаб даражасида.

Шифохоналардаги дори таъминоти аҳволи билан танишиш мақсадида Ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонасида бўлдик. Аввало, айтиш жоизки, Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги Қароридан сўнг шифохоналарда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда дори билан таъминлаш сифати сезиларли даражада ошган.

1-шаҳар клиник шифохонаси каттагина ҳудудни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бу ерда 8 та корпус, 20 та бўлим ишлаб турибди. Шундан 13 та бўлим бюджет ҳисобидан таъминланади.

Бош шифокор ўринбосари, дори-дармон таъминоти бўйича комиссия раиси Муҳаббат Қулабдуллаевадан дори таъминоти бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

– Қарордан сўнг дори-дармонларга ажратилаётган маблағ 80 фоизга ошириб берилди. Илгари касалхонада дори учун ойига 26 миллион сўм харажат қилинган бўлса, ҳозир бу рақам 48 миллион сўмга кўтарилди. Шифохонамизда тезкор, стандартдаги зарур дорилар чекланган нархларда харид қилиняпти. Шприцлар, системалар, қўлқоплар, биринчи ёрдам учун зарур дорилар таъминлаб беріляпти. Биринчи чорак учун дори олишга 144 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Терапия қабулхонасида барча дорилар мавжуд, – дейди Муҳаббат опа.

Тезкор хирургия бўлимида оғриқ қолдирувчи зарур дорилар бор. Икки хилдаги қўлқоплар қўйилган. Шайхонтоҳур туманида яшайдиган Алишер Қурбонов юрак оғриғи билан касалхонага тушган. Зарур муолажа қилинганидан сўнг унинг аҳволи анча яхшиланган.

Ревматология бўлими 3-қаватда жойлашган. Юнусобод туманида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Шарифа Замонбекова ревмоартрит касаллиги билан шифохонага тушган. Унинг айтишича, умуман, дори сотиб олиб келмаган. Шу ернинг ўзида дорилар беріляпти. Шоҳиста Атакиева ревматизм дарди билан ётқизилган бўлиб, унга ҳамма дорилар касалхона ҳисобидан таъминланяпти.

Иккинчи терапия бўлимида ҳам бир нечта беморлар билан суҳбатлашдик. Ҳамида Сулаймонова, Гулноза Қосимова, Дилором Ёқубова, Наима Зайниддинова, Матлуба Раҳимовалар ҳамма дорилар касалхонанинг ўзидан берилаётганини айтишди.

Ибн Сино номли 1-шаҳар клиник шифохонаси дорихонасидаги бюджет дори-дармонларнинг 2017 йил 23 март қолдиғи тўғрисидаги ахборотномада 31 турдаги дорилар рўйхати келтирилган. Бюджет ҳисобидан дорихонада 14 хил стерил дори ҳам тайёрланади.

Албатта, юқоридаги хайрли ишлар қаторида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас...

Учтепа тумани ҳудудида жойлашган шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам клиникаси ҳам ўз нуфузига эга муассасалардан бири ҳисобланади. Бош шифокор Анвар Мирагзамовнинг айтишича, ҳар ойда 129 миллион сўм маблағ дори-дармон олиш учун ишлатиляпти. 2017 йил охиригача дори-дармонлар учун 1 миллиард 555 миллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Хирургия бўлими мудири Эрмуҳаммад Сотиболдиев билан палаталарни кўздан кечирамиз. Бўлим 43 та ўриндан иборат. Уларнинг 30 таси бюджет, 13 таси хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатади. Бўлим мудирининг айтишича, бугунги кун ҳолатига 99 фоиз дорилар касалхонанинг ўзида мавжуд.

Бухоро вилоятидан келиб даволанаётган Исомиддин Пиров кўричак ташхиси билан шифохонага тушган, дорилар шу ердан беріляпти. Беморлардан Авазжон Раҳматуллаев, Козим Исаев, Сергей Изотов, Мирвоҳид Қосимов, Бахтиёр Тошмуҳамедовлар шифокорлар меҳнатидан мамнун эканлигини айтишди. Травматология бўлимидаги беморлар Наргиза Азимова, Сожида Ориповалар ҳам дори таъминоти бўйича муаммолар йўқлигини билдиришди.

Юқоридагилардан ойдинлашадики, Президентимиз Қароридан кейин соҳада сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Бироқ, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Маҳаллий дорилар кўпайган бўлса-да, аммо хоҳлаган дорингизни битта дорихонадан топиш – мушкул. Анча сарсонгарчиликларни бошдан ўтказишингизга тўғри келади. Мақсад аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш экан, демак, соҳа мутасаддилари бу масалани яна бир бор пухта ўйлаб кўришлари лозим бўлади.

Шунинг баробарида албатта биз истеъмолчилар ҳам муаммоларга барҳам берилишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бинобарин, ҳақ-ҳуқуқимизни билган ҳолда харид қилган дориларимиз учун чек, даркор бўлса уларнинг сертификатларини талаб қилишимиз, нарх-наволар орасида тафовут катта бўлса сабаби ҳамда яроқлилик муддати билан қизиқишимиз, касалхоналарда бўлиши шарт дориларнинг бор-йўқлигини суриштиришимиз мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина шубҳасиз, кўзланган ниятларга эришамиз.

Маълумки, кейинги бир ойда Президентимизнинг ушбу соҳада битта Фармон ва иккита Қарори қабул қилинди. Хусусан, 2017 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 3 апрель куни "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 4 апрель куни "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиндики, бу ҳам тиббиёт соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш механизми амалда ўз исботини топаётганидан далолат беради.

"Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорда тез тиббий ёрдам хизматларининг малакали кадрлар, дори воситалари, тиббиёт ускунаси, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлик даражаси ҳали етарли эмаслиги туфайли ушбу соҳани қайта такомиллаштириш масалалари ўз аксини топган.

Бундан буён соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор ривожланади, шу жиҳатдан уларга зарур имтиёзлар берилмоқда.

Худди шунингдек, онкология хизматини яхшилаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорида онкологик ёрдам кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этиш, саратон касаллигига қарши кураш, олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг замонавий тизимини яратишга аҳамият қаратилган.

**Бир сўз билан айтганда, тизимдаги мавжуд камчиликлар аста-секин барҳам топмоқда, арзон ва сифатли дори-дармонлар кўпайиб бормоқда. Энг муҳими, келгусида соҳадаги ислоҳотларнинг ўз самарасини бериши учун барча шароитлар ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда.**

**Олим МАҲМУДОВ,**
**Зокиржон ШАРИФЖОНОВ**

# ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАДИ

***Ватанимиз мустақилликка эришгач, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, маданий-ижтимоий алоқаларни йўлга қўйиб, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.***



Турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар бугун амалга оширилган ишларда ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон ва Исроил давлатлари ўртасида ана шундай муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллигига бағишланган дўстлик концерти Ўзбекистан давлат консерваториясининг катта залида бўлиб ўтди.

Концерт муносабати билан Исроилдан таклиф этилган дирижёр, композитор ва моҳир созанда Том Коен ҳамда таниқли хонанда Элла Даниэл билан "Суғдиёна" ўзбек халқ чолғулари камер оркестри иштирокида махсус концерт дастури тайёрлаб тингловчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Том Коен Исроилдаги "Андалуз оркестри" директори ва дирижёри бўлиб, 2002 йилда Исроил Мусиқа академиясини мандолина чолғуси бўйича тамомлаган, Бельгия ва Канада давлатларидаги "Андалуз оркестри" директори лавозимида фаолият олиб борадиган машҳур санъаткорлардан бири.

Элла Даниэл ҳам Исроил Мусиқа академиясида ва АҚШда магистратура босқичида жаз-вокал йўналишида таҳсил олган. Хонанда сифатида АҚШ, Францияда фаолият олиб борган. Ҳозирги кунда ўзи раҳбарлик қилаётган "Black Befty" ансамблида хонанда ва машҳур ижодкор. Бу икки истеъдод соҳиби ва "Суғдиёна" оркестри билан тайёрланган концерт дастури ўзининг бетакрорлиги, жозибадорлиги, мазмунан бой ва ранг-баранглиги билан тингловчилар томонидан катта олқишлар билан кутиб олинди.

Тадбирни Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчиси очиб берар экан ҳар икки давлатнинг ўзаро муносабатларида маданий алоқаларнинг, хусусан ўтказилаётган ижодий ҳамкорликнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлади.

Концерт дастури ўзбек мусиқасига исроиллик дирижёр Том Коен, исроил мусиқасига ўзбек дирижёри – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Феруза Абдураҳимова дирижёрлик қилишлари билан бошланди. Исроил композиторлари асарларини ўзбек созандалари халқаро танлов совриндорлари Д.Мелибоев, Б.Тўраев, И.Толипов, Том Коен дирижёрлиги остида юксак маҳорат билан ижро этди.

Том Коен ижро этган В.Монти "Чардаш", "Ах язин" асарлари Исроил мандолинаси ва ўзбек халқ чолғулари оркестри талқинида ўзига хос жозиба билан янгради.

– Концерт биз учун янги ижро услублари билан танишиш ва ижро дастурини янги асарлар билан бойитиш маъносида муҳим аҳамиятга эга. Бошқа томондан эса турли халқларнинг ўзаро муносабатларида мусиқа санъатининг муҳимлиги билан аҳамиятлидир, – дейди оркестр созандаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Одилжон Назаров.

Ушбу концерт юқори профессионал даражада ижро этилганлиги билан аҳамиятга молик бўлди десак муболаға бўлмайди. Бундай ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мусиқа санъатимиз ривожланишига хизмат қилибгина қолмай, балки турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Отабек МИСКИНОВ,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси II босқич магистри**

**"101"**

# ПАЙШАНБА – ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУНИ

***Маълумки, пойтахтимизда профилактика кунлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборат.***

Юртимизда баҳор. Кунлар ҳам кун сайин исиб бормоқда. Бунинг натижасида аҳоли томонидан бетартиб ташланган маиший чиқинди ва ахлатлар ёқиб юборилиши, газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда меъёр қоидаларига риоя қилмаслик натижасида ёнғинлар сони ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 6 апрель куни Юнусобод тумани, Юнусобод 8-даҳасида жойлашган "Лифт-сервис" МЧЖга қарашли ахлат йиғиш шохобчаси ҳудудида 3 кв.м. майдонида ахлат ёнган. 5 апрель куни Юнусобод туманининг 11-даҳасида жойлашган "Тошкент шаҳар электр тармоқлари" АЖга қарашли Юнусобод подстанцияси ҳудудида трансформатор ичида юқори кучланишда бўлган электр кабелининг қисқа туташуви оқибатида электр жиҳозлари ва мой маҳсулоти ёнган.

Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ, ИИББ ЁХБ, туман МТП профилактика инспекторлари, давлат солиқ бошқармаси, прокуратура, газ таъминоти ва электр тармоқлари корхонаси ходимлари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ҳар пайшанба кунлари аҳоли турар жойларида маҳалла фуқаролари, ўқув муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилар, даволаш муассасаларида шифокорлар ва бошқа ташкилот ишчи ва хизматчилари билан кенг кўламдаги тарғибот ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

Жумладан, Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи, "Баёт", "Эшонгузар", "Бўз-2", "Салар", "Юнусота" каби МФЙ, М.Улуғбек тумани 71-ўрта мактаб ва бошқа кўплаб муассасаларда фуқароларни қизиқтирган саволларига ҳамда қийнаётган муаммоларига ечим топиш кераклиги таъкидланди, ёнғин хавфсизлиги қоидалари келтирилган кўргазмали материаллар тарқатилди. Тадбирлар доирасида жамоатчилик вакилларига, шунингдек, ўсмирларга ёнғинларнинг аянчли оқибатлари ҳақида маълумотлар берилди.

Албатта, бундай тадбирлар ёшлар онгида огоҳлик, жавобгарлик тушунчаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, аввало, инсонлар ҳаётини асраш – кўчалар, хонадонлар, ташкилотлар, муассасалардаги тинчлик, фаровонлик гарови ҳамда объектлардаги мулк ва бойликларнинг офат балосидан сақланиши кафолатидир.

**Муслима РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, капитан**


## Реклама ва эълонлар

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 3 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар ва автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган кўчмас мулк объектида сақланаётган қуйидаги технологик ишлаб чиқариш ускуналар: 1. 172 турдаги қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик ускуналари. Бошланғич баҳоси – 883 337 193 сўм. 2. 6 турдаги қанд маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик ускуналари. Бошланғич баҳоси: 3 259 221 393 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: 1. ЖИБ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туман судининг 18.11.2015 йилдаги 2-2773-74/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган ва техник носоз бўлган "Чорсу жарима майдони"да сақланаётган 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 D 832 MA бўлган "ВАЗ-21011" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 614 000 сўм. 2. ЖИБ Сергели тумани судининг 16.11.2016 йилдаги №2-573/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 K 052 MA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 970 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 3 май кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 1 май куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86

***Гувоҳнома 004593.***

## Реклама ва эълонлар

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Сергели туман СИБнинг 18.04.2016 йилдаги 1-13/916/16-сонли ижро варақасига ҳамда Тошкент шаҳри, Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Янгизамон 2 проезд, 3/4-уй манзилида жойлашган №1-сон кўчмас мулк чиқарилмоқда. Умумий майдони 36,48 кв.м. бўлган турар жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 85 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 12 май куни соат 18:00 гача.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 ҳ/р га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел: (0371) 228-80-32. Факс: (0371) 228-80-24. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.


**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1 | Тошкент иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи | Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси, Ҳалқа йўли, 9-уй |
| 2 | Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги ихтисослашган академик лицейи | Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 84-уй |

**Малака талаблари:** олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.**


**"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 07.04.2017 йилдаги 20-01-13625/2-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғида сақланаётган 1."Газ 322132-216" русумли д/р 10/960ZAA 2009 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 75 349 823 сўм. 2. "Ласетти" русумли д/р 01/959 ZAA 2009 йил и/ч, бошланғич баҳоси – 45 602 977 сўм. 3. "Avto Plasa service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия Донс" русумли д/р 01/985TAA 2007 йил и/ч. бошланғич баҳоси – 35 581 905 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 2 май соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 28 апрель соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

***Гувоҳнома № 001805.***


## Реклама ва эълонлар

**"Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ ҳудудидаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида маълумот**

**Умумий овқатланиш**

| | | |
|---|---|---|
| 1-сонли ошхона | 1-ҳудуд | 132 кв.м |
| 2-сонли ошхона | 2-ҳудуд | 69.3 |
| 3-сонли ошхона | 2-ҳудуд | 112.14 |
| 4-сонли ошхона | 4-ҳудуд | 237.45 |
| 5-сонли ошхона | 2-ҳудуд | 30.08 |
| 6-сонли ошхона | 2-ҳудуд | 11 |
| 7-сонли ошхона | 3-ҳудуд | 160.25 |
| 8-сонли ошхона | 3-ҳудуд | 103.83 |
| 9-сонли ошхона | 1-ҳудуд | 50.05 |
| ЖАМИ | | 906.11 |

**Манзил:** "Янгиобод ихтисослашган бозори" МЧЖ. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, 1-уй.

Тел: 298-72-64.


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 27.05.2003 йил №161 реестр рақами № 3475-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган "TTZ-METAL" MCHJ QK (ИНН 204560206) таъсисчиларнинг 25.01.2016 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан икки ой давомида Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй манзили бўйича қабул қилинади.

**"MODERN WINDOWS AND DOORS"** (СТИР 304 332 905) хусусий корхонаси мулкдорининг 2017 йил 12 апрель кунидаги қарорига мувофиқ, қайта тузиш шаклида масъулияти чекланган жамият шаклида қайта ташкил этилмоқда. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уй.

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2017 йил 15 майда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Landshaft Dizayn Markazi" Давлат унитар корхонасини (мол-мулклари билан бирга) сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- 72 668 300 (етмиш икки миллион олти юз олтмиш саккиз минг уч юз) сўм бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдордаги энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "корхона"га энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- харид қийматини тўлаш ва инвестиция мажбуриятларини бажаришни қисқа муддатларда амалга ошириш.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Бинолардан фойдаланиш департаменти" давлат корхонаси балансидаги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй манзилида вақтинча сақланаётган "Наврўз" савдо комплекси металл конструкция қурилиш материаллари иншоотини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- 6 607 065 (олти миллион олти юз етти минг олтмиш беш) сўм бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдордаги энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- харид қийматини тўлашни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган закалат суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибларига савдо натижалари бўйича буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 15 май куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 30 май, 14, 29 июнь,14, 31 июль, 15, 30 август ва 15 сентябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **14 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, жала ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 435

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10118 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14:55

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ


1 2 3 4 5